

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ТАҲЛИЛИ**

К.И.Сирожиддинов,

Иқтисод фанлари номзоди, доцент

Мираҳмедова Шириной Муҳаммаджоновна

Тармоқлар ва соҳалар мутахассислиги 2-курс магистранти

Наманган давлат университети

**Аннотация:**

Мақолада Ўзбекистон Республикаси ва Фарғона водийси вилоятлари, хусусан Наманган вилояти экспорт кўрсаткичлар таҳлили амалга оширилган. Вилоят экспортини янада ошириш имкониятлари ўрганилган.

**Калит сўзлар:** минтақа, экспорт, экспорт салоҳияти, ташқи савдоо айланмаси.

**Аннотация:**

В статье проведен анализ экспортных показателей Республики Узбекистан и областей Ферганской долины, в частности Наманганской области. Изучены возможности дальнейшего увеличения экспорта региона.

**Ключевые слова:** регион, экспорт, экспортный потенциал, внешнеторговый оборот.

**Abstract:**

The article analyzes the export indicators of the Republic of Uzbekistan and the regions of the Fergana Valley, in particular the Namangan region. The possibilities of further increasing the region's exports have been studied.

**Keywords:** region, export, export potential, foreign trade turnover.

Минтақа экспорт салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантириш мураккаб иқтисодий тизим сифатида бу борадаги фаолиятнинг барча босқичларида ички ва ташқи иқтисодий сиёсатнинг муҳим таркибий қисмларни ўз ичига олувчи мураккаб жараёндир. Экспорт фаолиятини минтақавий даражада кенгайтириш жараёнлари тегишли ҳудудий сиёсатни ишлаб чиқишни тақозо этади. Маълумки, мамлакат ташқи савдо сиёсати ривожланиши минқаларнинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришни қатъий талаб этади. Бу борадаги давлат сиёсати эса маъмурий-бошқарув амалиётидан экспорт фаолиятини либераллаштириш, ташқи иқтисодий муносабатлар субъектларининг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга қаратилган бўлиши шарт. Стратегик мақсадларда иқтисодий ўсишни таъминлаш, фан-техника тараққиёти, халқаро иқтисодий ва савдо алоқаларини ривожлантиришнинг минтақавий стратегиясини ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлди. Минтақанинг экспорт салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантириш самарадорлигини бошқариш ташқи бозорларда фаолиятнинг мумкин бўлган энг юқори натижасига еришишга қаратилган макро, мезо ва микро муҳит таъсирининг кўп босқичли тизимидир.

Иқтисодчи олим Э.С.Райнерт ёндашувига кўра, минтақанинг экспорт салоҳияти унинг экспорт базасини аниқлашни ҳисобга олган ҳолда, ички экспорт имкониятлари ва ташқи бозорнинг истеъмол сифимини миқдорий ўлчаш асосида баҳоланади [1].

Е.Мазурова К.Сычевалар экспорт салоҳияти деганда мавжуд иқтисодий тизимнинг ресурслар, ишлаб чиқарувчи кучлар, фан, хизмат кўрсатиш ва маркетинг инфратузилмаси ҳамда пул-кредит тизимини ривожлантиришнинг эришилган даражасида жаҳон бозорларида рақобатбардош бўлган товарлар, технология ва хизматларни ишлаб чиқариш қобилияти тушунадилар [2]. Турли муаллифларнинг "экспорт салоҳияти" тушунчасининг мазмунини кўриб чиқиб, минтақанинг экспорт салоҳиятини ҳам иқтисодий нуқтаи назардан, ҳам унинг муҳим мазмуни нуқтаи назаридан аниқлаш зарур кўринади [3]. Алоҳида олинган минтақанинг экспорт салоҳиятининг юқоридаги таърифларида ички иқтисодиётнинг ҳозирги ривожланиш даври воқеликлари, яъни ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дифференциаллашувини чуқурлаштириш, экспортнинг товар таркибини кенгайтириш ҳисобига тижорат хизматларини ошириш, ҳудудий иқтисодий тизимда бозор муносабатларининг ривожланиш даражаси каби кўрсаткичлар ҳисобга олинган.

Фикримизча, иқтисодий нуқтаи назардан минтақанинг экспорт салоҳияти, ҳозирги ҳудудий тармоқ тузилмасидан келиб чиққан ҳолда жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган товар ва хизматлар экспортининг максимал мумкин бўлган ҳажми сифатида қаралиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, бунда минтақанинг табиий ресурс базаси, халқаро стандартларга жавоб берадиган товарлар, технологиялар ва хизматларни ишлаб чиқариш имкониятларидан оқилона фойдаланишнинг умумий қобилияти тушунилиши лозим [4].

Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмасини таҳлили шуни кўрсатадики, кўрсаткичларда барқарор ўсиш тенденциялари кузатилган, 2015-2021 йилларда оралиғида жами кўрсаткич 281266,7 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, унинг асосини экспорт 104 625,2 миллион доллар, импорт 158741,5 миллион АҚШ долларини ташкил этган (1-жадвал).

**1-жадвал Ўзбекистон Республикасининг 2012-2021 йилларидаги ташқи савдо айланмаси тўғрисида маълумот (миллион АҚШ доллари)**

Кўрсаткичлар	2015 й	2016 й	2017 й	2018 й	2019 й	2020 й	2021 й	2022 й
ТСА	25 286,1	24 681,6	26 907,0	33 809,1	42 200,0	36 299,2	42 071,6	50012,1
Экспорт	12 870,6	12 567,6	13 893,6	14 253,9	17 900	15 127,7	16 610,6	19301,2
Импорт	12 415,5	12 114,0	13 013,4	19 555,2	24 300	21 171,5	25 461	30710,9
Фарқи(+,-)	455,1	453,6	880,2	-5 301,3	-6 400	-6 043,8	-8 850,4	-11409,7

Мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган, бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинганлиги, хусусан бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли Фармонида асосан қабул қилинган, Юқоридагиларга асосан биз фармонда белгилаб қўйилган вазифаларни бажарсак, мамлакат иқтисодиётини биз ўйлагандек ривожлантиришга эришамиз. "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистонни тараққиёт стратегияси" да республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш орқали 2026 йилга бориб республикада экспорт ҳажмларини 30 миллиард АҚШ долларига етказиш режалаштиришган. Бунинг учун экспортчи корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш

тизимини фаол давом эттириш орқали республика экспорт салоҳиятини ошириш мақсад қилинган.

Бу борада қуйидагилар кўзда тутилган:

- мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солган ҳолда маҳаллий саноат тармоқлари экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш;
- ташқи бозор ва халқаро талабларга жавоб берадиган стандартларни жорий этиш ва машҳур брендларни жалб қилиш;
- хусусий секторнинг экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш;
- автотранспорт воситалари экспортини 3 бараварга ошириш ва 1 миллиард АҚШ долларига етказиш;
- туризм, транспорт, ахборот-коммуникация, жумладан дастурий таъминотлар ва бошқа хизматлар экспортини 1,7 бараварга ошириш ёки 4,3 миллиард АҚШ долларига етказиш;
- экспортчи корхоналарга кўрсатилаётган ташкилий ва молиявий ёрдам бериш тизимини такомиллаштириш. Экспорт таркибида тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ҳажмини 3,3 баравар кўпайтириб, Европа давлатларига GSP+ тизими доирасида тайёр маҳсулотлар экспортини кенгайтириш;
- маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни хорижий давлатларга чиқаришда кўмаклашиш тизимини такомиллаштириш ҳисобига экспортчи корхоналар сонини ҳозирги 6500 тадан 15000 тага, товарларнинг экспорт географиясини 115 тадан 150 тага етказиш;
- “Янги Ўзбекистон - рақобатбардош маҳсулотлар юрти” ғояси асосида 200 та экспортчи корхоналарни очиқ танлов асосида саралаб, уларни етакчи экспортёрларга айлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;
- қўшни давлатлар билан чегара ҳудудларда эркин савдо зоналари фаолиятини йўлга қўйиш каби долзарб вазифалар қўйилган.

Наманган вилоятининг экспортдаги улушининг таҳлили, шуни кўрсатадики экспортга йўналтирилган товарлар ҳажмида йиллар кетма-кетлигида ижобий ўсиш ҳолати кузатилган бўлсада, экспорт амалиёти бўйича 2021 йилда 3,0 % ни ташкил этган (2-жадвал).

## 2-жадвал Фарғона водийси вилоятларининг (2017-2021 йиллардаги) мамлакат экспортидаги улуш (минг АҚШ доллари)

Минтақалар	2018 й	2019 й	2020 й	2021 й	2022 й
Республика бўйича	12 553,70	13 990,70	17 458,70	15 102,30	16 662,80
Наманган вилояти	247,4	356	380,5	496,2	581,2
% -да	2,0	2,5	2,2	3,3	3,5
Фарғона вилояти	484,3	574,4	556,1	801,3	829,3
% да	3,9	4,1	3,2	5,3	5,0
Анджон вилояти	357	499,6	584,1	978,9	1246,2
% да	2,8	3,6	3,3	6,5	7,5

Наманган вилояти экспорти 2022 йилда 185,1 миллион сўмга ёки 16,9% фоизга ортганлигини кўришимиз мумкин. Фарғона водийси минтақасидаги вилоятлар экспорт кўрсаткичлари билан таққослаганда, Андижон вилоятига нисбатан 2022 йилда 665,0 миллион сўмга ёки 46,6 фоизга, Фарғона вилоятига нисбатан 2022 йилда 248,1,8 миллион сўмлик ёхуд 30% га кам маҳсулот экспорт қилинганлигини кўриш мумкин.

Наманган вилоят статистика бошқармаси маълумотларига, вилоятнинг жами экспорт айланмаси 2022 йилда, ўтган 2021 йилга нисбатан 25,4 % га ошган, шундан мос равишда МДХ давлатлари билан 33,6 % ни ташкил этган бўлса, бошқа хорижий давлатлар билан 4,2 % га камайиши кузатилган. Албатта экспортнинг умумий ҳажми ортиши вилоятда экспортёр корхоналар сонини ортиши ҳамда экспортга йўналтирилган маҳсулот ҳажмларини кўпайиши ҳисобига амалга оширилган. Лекин шуни таъкидлаш зарурки, экспорт географиясини кенгайтириш, бугунги кундаги энг муҳим масалалардан бир бўлиб қолмоқда. Наманган вилоятининг 2017-2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси ЯИМга қўшган ҳиссасини таҳлил этадиган бўлсак, кейинги беш йилда ўртача 2,7% ташкил этган (3-жадвал).

### 3-жадвал Наманган вилоятининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ЯИМга қўшган ҳиссасини тўғрисида маълумот

(Кўрсаткичлар млрд сўмда)

Кўрсаткич	2017 й	2018 й	2019 й	2020 й	2021 й	2022 й
Мамлакат ЯИМ	302536,8	407 514,5	511 838,1	580 203,2	734 587,7	888341,6
Наманган вилояти ЯХМ	15 311,1	18 809,6	23 764,0	27 863,0	34 194,1	41 098,2
Вилоят ЯХМдаги улуши(% да)	3,5 %	4,5 %	4,5 %	4,8 %	4,7 %	4,6
Шу жумладан: КБСни ЯХМ	7 492,3	12 880,4	17 667,7	19 072,6	24 609,2	28768,7
КБСни вилоят ЯХМдаги улуши (% да)	79,6 %	79, %	75,0 %	73,7 %	73,5 %	70,0

Вилоятда тоғ-кон, озиқ-овқат, тўқимачилик, кийим ишлаб чиқариш, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ёғоч ҳамда мебель маҳсулотлари, қоғоз, резина ва пластмасса буюмлари, нометалл минерал маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Лекин, юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, катта салоҳиятга эга бўлган вилоятда фойдаланилмаган имконият ва заҳиралардан самарали фойдаланиш етарлича амалга оширишмаяпти. Шунингдек, илғор фан-техника ютуқларини, янги-янги инвестицион лойиҳаларни саноат ва қишлоқ хўжалигига ҳамда бошқа тармоқларга тадбиқ этиш орқали вилоят иқтисодиётини юксалтириш, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмини ошириш муҳим ва зарурдир. Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, вилоятда йирик ишлаб чиқариш корхоналари у қадар кўп эмас. Албатта кичик бизнес субъектлари мамлакат ва минтақаларда рақобат муҳитини яратишда муҳит ўрин эгаллайди, лекин стратегик мақсадларни амалга оширишда энг аввало йирик корхоналар имкониятлар имкониятларига таяниш мақсадга мувофиқ.

Вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг қарийиб 70,0%, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Демак, ушбу

соҳани тармоқ тузилишини ўрганиш, унинг иқтисодиётдаги ўрнини тизимли таҳлил этиш зарур. Олинган натижалар минтақа иқтисодиёти кўламини, такрор ишлаб чиқаришни кенгайтишига ва энг асосийси барқарор ривожланишга олиб келади. Наманган вилоятининг 2012-2022 йиллардаги ташқи иқтисодий фаолиятида эришилган натижаларни таҳлили шуни кўрсатадики, вилоятнинг ташқи савдо айланмаси кўрсаткичларида барқарор ўсиш тенденциялар кузатилган бўлиб, жами экспорт кўрсаткичи 2061,6 миллион АҚШ долларни ташкил этган, мамлакат экспортидаги хиссаси таҳлил қилинган йиллар давомида ўртача 4,6% ташкил этган. 2022 йилда вилоят миқёсида 494,6 миллион АҚШ долларлик экспорт амалиётини амалга оширган бўлиб, бу мамлакат экспортида 3,0% ни ташкил этган. Вилоят бўйича импорти амалиётлари таҳлилга олинган давлар оралиғида 4079,6 миллион АҚШ долларни ташкил этган бўлиб, мамлакат импортининг 2,4 % ни ташкил этган. 2022 йилда эса вилоят миқёсида 594,8 миллион АҚШ долларлик импорт амалиётлари амалга оширилган, бу мамлакат импортининг 2,3% ни ташкил этган.

#### 4-жадвал Наманган вилоятининг экспорт ва импорт таркиби (умумий ҳажмга нисбатан фоизда)

Кўрсаткич	2017 у.	2018 у.	2019 у.	2020 у.	2021 у.	2022 у.
пахта толаси	0,0	0,0	0,0	0,1	0,0	0
озиқ-овқат маҳсулотлари	37,3	35,1	35,3	27,5	18,0	18,7
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	0,1	0,4	0,4	1,4	1,8	3
энергия манбаалари ва нефт маҳсулотлари	0,0	0,0	0,9	0,1	0,2	0,2
қора ва рангли металлар	0,2	0,3	0,3	2,7	0,8	1,7
машина ва асбоб-ускуналар	0,2	2,1	4,3	2,1	2,0	1,8
хизматлар	2,7	4,8	3,1	2,1	2,9	2,6
бошқалар	59,4	57,2	55,6	63,9	74,3	72

Юқоридаги жадвал маълумотларига кўра вилоятда пахта толаси экспортининг камайиб кетиши, уни қайта ишлаш ҳажмлари ортиши билан изоҳланади. Вилоят экспортининг катта қисмини озиқ-овқат маҳсулотлари ташкил этмоқда. Шу боис, бу борада халқаро талаблар ва стандартларни жорий этиш экспорт салоҳиятини оширишдаги муҳим қадамлардан биридир. Наманган вилоятининг экспорт салоҳиятини ошириш кўп жиҳатдан мавжуд ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида халқаро тан олинган стандартларни жорий этиш билан боғлиқдир. ISO 9001 сифат менежменти тизими дунёдаги энг машҳур сифат менежменти тизими стандарти бўлиб, дунё бўйлаб 180 мамлакатларидаги миллиондан ортиқ ташкилотларни сертификатлаштирган. ISO 9001 халқаро стандарти асосан бошқариш механизмидир. Ушбу стандартнинг мақсади - хатолар ва нуқсонларни камайтириш, йўқ қилиш ва олдини олиш. Стандарт бевосита маҳсулот ва хизматларга белгиланган талабларни эмас, балки бошқарув тизимининг сифати билан бевосита боғлиқдир. Стандартга кўра, агар самарали Сифат Менежменти Тизими яратилса ва жорий этилса, мижозлар эҳтиёжларини қондириш учун сифатли маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқарилади. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигига етиштириш давридаги турли хил салбий омилларни

таъсир кўрсатишини ҳисобга олган ҳолда дунёнинг 100 дан ортиқ давлатларида Global GAP стандарти қўлланиб келинмоқда. Ушбу давлатларнинг аксариятида мазкур стандартни жорий қилиш бўйича миллий техник ишчи гуруҳ тузилиб, Global GAP асосидаги миллий стандартлар қабул қилинган. Масалан, Chile GAP – Чили миллий стандарти, AMAGAP – Австралия миллий стандарти, QS-GAP – Германия миллий стандарти, New Zealand – Янги Зеландия миллий стандарти, JGAP – Япония миллий стандарти, China GAP – Хитой миллий стандарти ва бошқалар. Афсуски, айти пайтда, республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш даврида агротехник тадбирларнинг сифати ва хавфсизлигини таъминловчи халқаро даражада тан олинган ёки уйғунлаштирилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд эмас. Демак борадаги меъёрий ҳужжатларни амалиётга жорий этишни тезлаштириш лозим.

Вилоятда йирик корхоналар қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилиши лозим. Ундаги асосий эътибор ушбу корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш, юқори даражадаги қўйилган қиймат занжирини яратиш, кичик бизнес ва йирик бизнес субъектлари ўртасида кооперацион иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга қаратилган бўлиши лозим.

#### **Адабиётлар рўйхати**

1. Райнерт Э.С. Как богатые страны стали богатыми, и почему бедные страны остаются бедными. – М.: Изд. дом Гос. ун-та Высшей школы экономики, 2011. – 384 с.
2. Мазурова Е., Сычева К. Новые направления экспортной стратегии России // Современная конкуренция. – 2018. – № 6 (72). – с. 63–80.
3. Якушев Н. О. Теоретические аспекты развития экспортного потенциала регионов // Молодой ученый. — 2015. — №11. — С. 1046-1051
4. Сирожиддинов К. И. Вопросы наращивания экспортного потенциала аграрных производителей // Приоритетные векторы развития промышленности и сельского хозяйства. – 2021. – С. 391-397.